SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 27-MAY ■ SESHANBA ■ 65 (27.085) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ВОДИЙ САФАРИ: очиқ ва самимий мулоқотлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 22-23 МАЙ КУНЛАРИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА БЎЛДИ

Илгари хабар қилинганидек, мамлакатимиз раҳбари жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, янги бунёд этилган иншоотлар билан танишиш мақсадида Фарғона водийси вилоятларига ташриф буюрди.

Юртбошимизнинг вилоятларга чиқиб, ўзгаришлар жараёнлари билан бевосита танишиши, одамлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиши яхши анъанага айланган. Ана шундай сафарлар чоғида жойлардаги ибратли ташаббусларнинг рағбатлантирилиши уларнинг мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйишида муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз билан оддий меҳнаткашлар ўртасидаги бундай учрашувлар кишиларимиз онги ва тафаккурига ҳаётбахш ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳияти янада теранроқ сингиб боришида, янгиланишларнинг рўёбга чиқишига халақит бераётган айрим муаммо ва тўсиқларнинг тезкорлик билан бартараф этилишида ғоят кўл келаётгани ҳам сир эмас.

Давлатимиз раҳбари ўзининг бу галги сафарида жойлардаги раҳбарлар, мутахассислар ва, умуман, халқимизнинг эътиборини нималарга қаратди?

Деҳқонлар, фермерлар билан мулоқотлари чоғида Юртбошимиз пахта уруғчилиги мактабини ривожлантириш, сара уруғ олишга эътибор қаратиш, яхши самара бераётган плёнка остида пахта етиштириш усулининг афзалликларини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш борасидаги ишларга алоҳида тўхтаб ўтди.

Президентимиз Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашар экан, вилоят меҳнаткашларининг кейинги йилларда пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари қишлоқ хўжалигида юксак замонавий агротехникани қўллаш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ишни ташкил этишдаги омилкорлик ва фидойиликни ўзида мужассам этган Андижон деҳқончилик мактабининг самараси экани хусусида тўхталди.

— Бу мактабнинг аҳамияти ҳақида андижонликларнинг ўзлари ҳам тортинмай, фахр ва ғурур билан гапиришларини истардим, — деди Ислом Каримов. — Жойларда эса ана шу мактабнинг моҳияти, муваффақиятининг туб илдизлари нимада экани пухта ўрганилиши керак.

Юртбошимиз қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида режа ортидан қувиш эмас, балки деҳқон манфаатдорлигини бош масала қилиб қўйди. Деҳқон бугунги меҳнатининг эртанги самарасини ҳис қила билиши, унга ишониши керак, деб таъкидлади. Бунинг учун шартнома шартларининг ижроси муҳим эканлигига эътибор қаратди. Меҳнаткашлар манфаатдорлигини таъминлаш, уларнинг дам олишлари билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим вазифалардан бири эканини уқтирди.

Ислом Каримов оила суянчиғи бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шароитларни яратиб бериш масалаларига алоҳида урғу берди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қатори Фарғона водийсида ҳам ободончилик ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, истиқлолнинг ўн иккинчи йилида Юртбошимизнинг «Соғлом, заковатли ёшларни тарбиялаш — тараққиёт гаровидир» деган ғояси асосида водий вилоятларида бир қанча маданий-маиший ва спорт иншоотлари қуриб битказилди.

Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ана шундай янги, лойиҳаси ва меъморий ечимига кўра бетакрор иншоотлардандир. Янги спорт коллежи 910 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, қишки ва ёзги сузиш ҳавзалари, атлетика манежи, умуман, олимпиада ўйинлари таркибига кирган барча спорт турлари бўйича машғулот майдонларига эга. Иншоот хорижнинг энг замонавий ситиш ва совутиш ускуналари билан таъминланган, бошқа қулайликлар мавжуд. Жаҳон андозалари даражасида юксак дид билан қурилган ва замонавий жиҳозланган спорт зали 5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерда 25 турдаги спорт ўйинларини ўтказиш мумкин.

— Андижонликлар бундай улкан ва кўркам иншоотлар бунёд этишда ҳам ўз ташаббуси ва тажрибасини намоён этаётгани қувонарлидир, — деди Президентимиз. — Шундай иншоотни қуришга қурби, ақл-заковати етган халқнинг фарзандлари дунёнинг энг юксак спорт шоҳсупаларидан ўрин эгаллашга муносибдир.

Давлатимиз раҳбари юзлаб мамлакатлар вакиллари орасида Ўзбекистон спортчи йигит-қизлари томонидан юрт байроғининг юксакликка кўтарилаётганини машҳур Эверест чўққисининг кашф этилишига қиёслар экан, спортчиларимизни доимо рағбатлантириб туриш зарурлигига эътиборни қаратди.

Андижондаги 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион ғоят ҳайратланарли. Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ана шу масканда очилади. Президентимиз стадионнинг дунё андозаларига мос равишда барпо этилганини таъкидлади.

— «Баркамол авлод» спорт мусобақалари очилиши маросимига миллий тус бериш керак, — деди Президент. — Бошқалардан ўрганиш яхши, албатта. Лекин мусобақалар руҳига ўзимизнинг миллий анъаналаримиз сингдирилса янада яхши бўларди.

Наманган шаҳри марказидаги 14 гектарлик майдонда ўзида амфитеатр, сунъий кўл, аквапарк, турли спорт ўйинлари бўйича клубларни жамлайдиган улкан истироҳат ва спорт маскани — «Ёшлар спорт мажмуи» бунёд этилмоқда. Ислом Каримов бу ердаги қурилиш ишларини кўздан кечирар экан, бугунги кунда ноёб архитектура ечими ва энг замонавий қурилиш жиҳозлари ҳисобига бетакрор иншоотлар барпо этиш ҳақида гапирди. Шу билан бирга, янги иншоотлар атрофига дарахт экиш ва уни парваришлаш масаласига эътибор қаратди.

Президентимиз кўкаламзорлаштириш борасидаги жаҳон тажрибаси, хусусан, чимлаштиришнинг яхши натижалар бераётган ўзбекча моделини қурилиш мутасаддиларига изоҳлаб берди.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Носиржон Собирович Юсупов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Носиржон Собирович Юсупов Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 май

Нуротада яна бир кон

Қадим-қадимдан Нуротани бежизга тош шаҳар, деб аташмайди. Зеро, чорвадорлар диёри ўзининг ноёб мармар конлари, Нурота нурбулоғидек зиёратгоҳ чашмаси билан нафақат республикада, балки жаҳонда довруғи кетган. Яқинда бу тарихий жойда яна бир антиқа кон топилди. Бу «Ғозғон»даги кўк, кўкиш мармар конига яқин бўлган оқ мармар конидир. Заҳираси жиҳатидан олдинги конлардан асло қолишмайдиган мазкур конда дастлабки хомашё қазиб олишга киришилди.

Демак, оқ мармар конида ҳам бошқаларида бўлгани каби янги корхона очилиб, кўплаб доимий иш ўринлари яратилади. Бу эса нуроталик ёшлар учун энг катта қулайликдир. Айни кезда «Чорқудуқ»даги янги кон ишлари учун кўплаб маблағ ажратилган.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Деҳқонобод туманидаги 71-мактаб

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ОТАЛИҒИДА

Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Ислом КАРИМОВ

Агар бугун биз ислоҳотлар тақдири, миллат ва мамлакат келажаги илм-фанга, иқтидорли ёшларга боғлиқ десак ҳеч ҳам янги гап айтган бўлмаймиз.

Агар бугун биз мактабга эътибор энг буюк вазифа эканлиги, болаларимизни яхши ўқитиш, баркамол авлод этиб тарбиялаш ўта зарур ишлигини айтсак ҳам янгилик бўлмас.

Қадим-қадимдан бу ўлкада илм-фан ардоқланган, юксакликка кўтарилган. Қадимги қўлёзмалардан тортиб Алишер Навоийгача, барча-барча улуғларимиз илм олиш ҳикмати ҳақида кўп ва хўп айтишган.

Яқин ўтмишда, аниқроғи 1906 йилда машҳур муаллим, жамоат арбоби Мунаввар қори «Тараққий» газетасида эълон қилинган мақоласида ўз халқига қарата бундай даъват этган эди: «...Эй қардошлар ва эй миллатдошлар! Кўзумизни ғафлат уйқусидин очиб атрофимизга назар солмакимиз лозимдур. Ҳар миллат ўз саодати, ҳол ва истиқболини муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмоғиға қаноат ҳосил қилуб, илм ва маорифға ортуқ даражада кўшиш қилғон бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлиб, ҳамма оламга масхара ва кулги ўлмоғимизда шубҳа йўқдур...»

Ҳурриятнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз Ислом Каримов халқ таълимини ислоҳ этиш, илм-фанни эркин ривожлантириш масаласини энг долзарб вазифа деб белгилади. Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмаслигини уқтирди. Болаларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак, деган сўзлари миллатимиз қалбида акс-садо бериб янгради.

Ўтган қисқа ўн икки йил орасида таълим соҳасида амалга оширилган буюк ишларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Замонавий мактаблар, лицей ва коллежларнинг муҳташам бинолари, жиҳозлари... Етти ўхлаб тушимизга кирмаган ўзгаришлар, янгиликлар булар.

Тўғри, ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек деб бўлмайди. Бинолари замон талабига жавоб бермайдиган эски мактабларимиз ҳам бор. Ҳаммасини бирданига қайта қуриб бўлмайди, албатта. Бунинг учун вақт керак. Лекин отаоналар, саховатпеша тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар мактабларга ёрдамлашмоқда.

Ўз юрти эртасини, фарзандлари бахтини ўйлаган, таълим-тарбия миллат учун нелигини англаган ҳар бир инсон мактабга бефарқ қарай олмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз баркамол ўсишларига шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Таҳририятимизда мамлакатимиздаги ёрдамга муҳтож мактаблардан бирини оталиққа олиш ташаббуси кўтарилганда бутун жамоамиз уни қўллаб-қувватлади.

... Текис йўллар яйдоқ далалардан, адирлардан ўтиб, қирларга, яна адирларга, сўнгра тоғ дараларига уланади. Қарши шаҳридан қарийб 170 километр узоқликдаги «Қўнғирот» ширкат хўжалигидаги Галабулоқ қишлоғи қирлар бағрида жойлашган.

Аҳолининг тирикчилиги лалми ерлардаги дон, яйловлардаги қўй-қўзиларда. Кейинги икки-уч йилдаги қурғоқчилик экинларни қовжиратиб кетди. Хайрият ўтган йили табиат саховатини аямади. Туманда лалми дон ҳосилдорлиги 14,2 центнердан, айрим жойларда 30 центнердан ошди. Бу туман деҳқончилиги тарихида энг юқори натижа эди.

Қамаши зилзилалари ва ўтган йилги ер силкиниши Қашқадарё вилоятидаги кўплаб бинолар, айниқса, эски мактабларга қаттиқ шикаст етказди. Ҳукуматимиз ёрдами билан қатор янги мактаблар қурилди. Аммо илгари қурилган, ҳозир путурдан кетган 80 дан ошиқ мактаб мавжуд. Айни пайтда ўқув масканлари шароитини яхшилаш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Таҳририятимиз ҳам бу хайрли ишга имкон қадар ҳисса қўшиш истагини билдирганда, вилоят ҳокимлиги таклифимизни мамнуният билан қарши олди.

Бироқ Галабулоқ қишлоғига бир ой муқаддам илк марта борганимизда, бироз саросимага тушганимиз рост. Тошдан тикланган Қори Ниёзий номли мактабнинг биноси деворлари ёрилиб, яроқсиз ҳолга тушгач, машғулотлар шу жойдаги боғча биносига кўчирилибди. Бу иморат ҳам анча ночор, парталар етишмас, шароит оғир экан.

— Етмишинчи йилларда хўжалик тузилгач, шу жойда қишлоқ пайдо бўлди, — деганди қишлоқ оқсоқоли Ўрол Жабборов. — Сизларнинг ёрдамингиз бизга қувват бўлади. Ўзимиз ҳам қараб турмаймиз. Мактабнинг камкўстини ҳашар билан тузатиб оламиз...

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтди. Вилоят ва туман раҳбарлари амалий ёрдам берди. Одамлар ҳашар уюштиришди. 23 май куни сўнгги қўнғироқ арафасида айни чошгоҳ қишлоқ мактабига етиб келганимизда, қилинган меҳнат самараси яққол кўриниб турарди. Мактаб биноси анча таъмирланди. Спорт майдончалари қурилди.

Қуёш чарақлаб турган кунда тўпланган қишлоқ кексалари, муаллим ва ўқувчилар қалб кечинмалари юз-кўзларида намоён эди. Ҳар қандай тавозедан холи, бир умр юракда қоладиган учрашув бўлди. Газетамиз ташаббусидан мамнун бўлиб, бирга келган атоқли шоиримиз Абдулла Орипов эл оқсоқоллари билан қучоқ очиб кўришди. Мактаб олдидаги майдонда қисқагина йиғин бўлиб ўтди.

Нуриддин ЗАЙНИЕВ, вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати: — Юртбошимиз фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деганлар. Шу мақсадда коллежлар, янги мактаблар, спорт ўйингоҳлари қурилаяпти. Қийинчилик, етишмовчиликлар бор, албатта, аммо улар бартараф этилади. Мактабларни таъмирлаш, айримларини қуриш учун бу йил 3 миллиард сўмдан ошиқ маблағ ажратилмоқда.



2-бет

Ҳужжат имзоланди

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур Собиров). 26 май куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов ҳамда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида наркотик моддаларни назорат қилиш ва қонун ҳужжатларини қўллаш соҳаларида ўзаро кўмаклашув бўйича имзоланган битимга тузатиш киритиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

Мазкур битимга тузатиш киритиш тўғрисидаги илк ҳужжат 2001 йил августида имзоланган. Унга кўра, мамлакатимиз чегараларини мустаҳкамлаш, чегарачилар, божхона ходимларининг малакасини ошириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун АҚШ ҳукумати 1 миллион 40 минг доллар ажратиши кўзда тутилган эди. Иккинчи ҳужжатга кўра эса АҚШ ҳукумати Ўзбекистонда наркотик моддалар назоратини кучайтириш учун қўшимча 1 миллион 25 минг доллар ажратади.

Ҳужжат имзолаш маросимида мазкур маблағ Ўзбекистонда наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарасини оширишга хизмат қилишига умид билдирилди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Ҳарбий хизмат — шарафли бурч

Яқинда бўлиб ўтган парламент сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар эслатиб ўтилди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида» янги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун муҳокамаси чоғида Юртбошимиз Ислом Каримов 1989 йилда бир неча юзлаб ўзбекистонлик аскарларнинг ўлими ҳақида ачинарли далиллар келтирди. Ўшанда мен беихтиёр 1991 йилнинг январи охирида Новосибирскка борганимни эсладим. Вазифам осон эмас — журналистлик текшируви ўтказишим керак эди. Мен ва «Совет Ўзбекистони» журналининг ўша пайтдаги фотомухбири Валентин Кавелин Сибирь ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида хизмат ўтаган ўзбекистонлик йигитларнинг ўлдирилгани ҳақида кўплаб далилларни рад қилишимиз ёки уларни тасдиқлашимиз зарур эди.

Ўша пайтдаги қаҳратон қиш, 30 даража совукда қўлида белкурак ушлаган жиззахлик ва қаршилик йигитларнинг совуқ урган қўллари сира ёдимдан чиқмайди. Уларнинг кўпи касал ва бошидан армияга чақирилмаслиги керак эди. Шунингдек, кўплари Совет армияси тузилмаларида кенг ёйилган, ёш аскарларга нисбатан «зўравонлик» азобига дучор бўлган эди. Офицерларнинг шикоят қилишича, улар калондимоғ, такаббур, кўпчилиги буйруқларни бажармайди. Кейинчалик биз йигитлар билан суҳбатлашганимизда маълум бўлдики, улар хоҳламагани учун эмас, чиндан ҳам рус тилини тушунмагани учун буйруққа бўйсунмаган. Уларнинг бошқалардан кўпроқ «гауптвахталарда ётишининг» сабаби ҳам шунда эди. Бошқа йигитларимиз эса ҳарбий хизматни «қурилиш батальони»да ўташди, Сибирнинг аёвсиз совуғида «ковла», «қур», «таши» деган буйруқларни бажаришига тўғри келди. Ўзининг жонажон қишлоғидан биринчи марта четга чиққан ёш йигитлар кўзларига ёш олиб, биздан ёрдам сўрагани ҳали-ҳамон эсимда. Афсуски, ўшанда бунинг иложи йўқ эди...

Эндиликда Қуролли Кучларимизда ҳар йили янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги замон, янги талаблар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга янгича ёндашувлар, янги муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Хизмат 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди. Мустақилликка қадар биз ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қила олмас эдик.

3-бет

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

ВОДИЙ САФАРИ:
очиқ ва самимий мулоқотлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ислом Каримов ҳаво таркибини яхшилашга ҳисса қўшадиган, серсоя ва манзарали дарахтлар экиш ҳақида тўхталди. Биргина дарахт ҳам шу жой манзарасини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Бу ерда экилиши мўлжалланаётган дарахтларнинг аҳамиятли ва нозик томонларига эътиборни қаратди. Ҳар бир ишимизда келгуси авлодларни ўйлашимиз керак. Демак, экаётган дарахтларимиз ҳам юз йиллар умр кўрадиган бўлмоғи лозим. Шу маънода эман, каштан каби серсоя дарахтлар ўтқазишга алоҳида эътибор бермоқ даркор, деди Президентимиз.

Фарғона водийси мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ўзига хос саноат марказларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда бу ерда сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан нафақат юртимизда, балки жаҳон бозорларида шуҳрат қозонаётган кўплаб заводлар, қўшма корхоналар ишлаб турибди.

Юртбошимиз Қиргули туманидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилаётган аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехи лойиҳа кўламлари билан танишди. Мутахассислар эътиборини ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик масалалари, маҳсулот сифати, ишчилар учун яратиладиган шароитлар борасидаги ишларга қаратди. Мазкур ишлаб чиқариш тармоғи водий вилоятларида минерал ўғит таъминоти муаммоларини ҳал этади. Бу ерда Чехиянинг «МБНС» фирмаси ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Бу эса йилига 450 минг тонна селитра ва 360 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш имконини беради. Янги тармоқнинг ишга тушиши туфайли 360 янги иш ўрни яратилади.

— Бу заводнинг истиқболи ва замонавий технологияси бизга маъқул, — деди Ислом Каримов йилига 200 минг автомобиль ойналари мажмуи ишлаб чиқариш қувватига эга «Автоойна» заводи билан танишгач. — Айни чоғда заводнинг замонавий технологияси шунга яраша шарт-шароит яратилган муносиб жойда ишлаши керак. Завод рентабеллигини ошириш, қўшимча цехлар қуриш, маҳсулот тури ва уларнинг харидорларини кўпайтириш зарур.

Бу борада мутасадди раҳбарларга завод атрофини тартибга солиш, тегишли инфратизимни шакллантириш юзасидан кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари «Кварц» акциядорлик жамиятида бўлиб, шиша пишириш-ни компьютерда бошқариш жараёнлари билан танишди. Намангандаги «NESTLE — Ўзбекистон» қўшма корхонасида табиий сут, бананли сут, газланган ва газланмаган маъданли сув, болалар озиқаси каби ўндан зиёд маҳсулот тайёрланадиган цехлардаги технологик жараёнларни кўздан кечирди.

Юртбошимиз қайси ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюрмасин, у ердаги хориж техникасини уддабуронлик билан бошқараётган ёш ишчи-хизматчилар ва мутахассислар билан суҳбатлашди. Бундай мулоқотлар замирида ишлаб чиқаришда, техника, технологияда, муҳандислик ва умуман иқтисодиёт соҳасида узоқ йиллик ва катта тажрибага эга инсоннинг ёш кадрларимиз ўз касбини нечоғли маҳорат билан эгаллаганликларини билиш йўлидаги астойдил иштиёқи мужассамдир.

Ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш асносида Президентни қизиқтирган масалалардан яна бири — қишлоқда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, ўзимизда етиштириладиган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига ички ва ташқи бозордан даромад олишни кенгайтириш, ўз навбатида, шу йўл билан ишсизлар миқдорини камайтириш муаммолари эди.

— Пахта ўзимизники. Хўш, қачонгача ундан тайёрланадиган кийим-кечакларни хориждан сотиб оламиз, — деди давлатимиз раҳбари мулоқотлардан бирида. — Бугунга келиб хорижнинг илғор технологиялари асосида сифатли матолар, иплар, калавалар чиқаришни пухта эгаллаган экан-миз, нима учун, айтайлик, «Уйчи» номли эркаклар кўйлаги чиқаришни кенг йўлга қўймаслигимиз керак?

Президент ҳамюртларимизнинг фақат дала ишлари билангина чекланиб қолмаслиги, ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш зарур экани, хусусан, ўз хомашёмизни юз фоиз қайта ишлашга эришсакгина юрт ободлиги, эл фаровонлиги ортиши, ишсизликнинг эса кескин камайишига муваффақ бўлишимиз мумкинлигини уқтирди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлари ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Президентимиз мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам тўхталди.

Бу ҳақда Шарқий ҳарбий округнинг Чортоқ туманида жойлашган сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида сўз борди. Юртбошимиз курсантларга қарорда кўзда тутилган бир қатор имтиёзлар, хусусан, 2003 йил 1 июлдан бошлаб оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари икки баравар, ҳарбий хизматдан бўшатилганда бериладиган нафақа миқдори — энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 бараварга оширилиши тўғрисида гапирди.

Ислом Каримов шўро армияси таркибида хизмат қилган ёшларимизнинг қисмати, улар асосан қурилиш батальонларига жалб этилгани, мустақиллик йилларида юртимизда янги, ҳажман ихчам, айни чоғда замонавий қуролланган, мамлакат сарҳадларини ҳимоя этишга ҳамиша қодир Қуролли Кучларни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган залворли ишлар ҳақида тўхталди. Армия ислоҳотида сержантларни ўқитиш ва тарбиялаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Армиямизда хорижнинг, асосан, АҚШ тажрибасига таянган ҳолда сержантлар ўқуви ташкил этилмоқда. Армиядаги таъминот ҳамда аскарлар ишлатадиган асбоб-ускуналар, қурол-аслаҳалар самарали бўлмоғи даркор.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига мувофиқ 2003 йилда муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш, қўшилмалар ва қисмларни спорт инвентарлари ҳамда тренажёрлар, замонавий компьютер техникаси, ўқув материаллари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун зарур миқдордаги маблағ йўналтирилишини маълум қилди.

Давлатимиз раҳбари водий сафари давомида нафақат ислоҳотларнинг бориши, балки ана шу янгиланишлар одамлар ҳаётига, турмушига нечоғли ижобий таъсир этаётгани билан ҳам қизиқди. Зеро, мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ Юртбошимиз «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — Инсон учун», деб бежиз айтмаган.

Сафар давомида нафақат далаларда, корхоналарда, балки водий шаҳар ва қишлоқларида қандай ўзгаришлар юз бераётгани, кенг ва равон кўчалар, дарахтзор, токзор ва гулзорлар барпо этилаётгани, кишиларнинг уй-жойлари эртанги кунига қанчалик мослаб қурилаётгани, иморатлари қандай ғиштдан тикланаётгани, ушбу ҳовли-жойларда вояга етаётган ёш авлоднинг келажакдаги орзу-ниятлари — барча-барчаси Юртбошимизнинг диққат-марказида бўлди.

Президентимиз айтганидек, Фарғона водийсида ҳозирги кунда кишини руҳлантирадиган юксак ва ҳаётбахш кайфият зоҳир. Бу эса, ўз навбатида, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган Ватанимиз ёруғ келажагини яқинлаштириш йўлида водийликлар илҳом ва шижоат билан меҳнат қилаётганлигидан далолатдир.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

✧✧✧

Суратда: ташрифдан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Деҳқонобод туманидаги ночор мактаб бинолари ўрнини яқин келажакда янгилари эгаллайди. Вилоятни Сурхондарё билан боғлайдиган темир йўл шу тумандан ўтаяпти. Хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда туманда калий ўғити ва туз ишлаб чиқарадиган корхона барпо этилаяпти. Бирлашган ўзар, дейдилар. Мамлакатимиздаги нуфузли нашрлардан бири — «Ўзбекистон овози» газетаси

туманнинг чекка қишлоқларидаги мактабни оталиққа олаётгани, китоб, дарслик, спорт буюмлари олиб келгани умумий ишимизга қўшилган муносиб ҳисса деб ўйлайман. Ўйлаймизки, газета оталиғидаги бу мактабдан келажакда касб-корли, иқтидорли кўплаб ёшлар етишиб чиқади.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони: — Рости, «Ўзбекистон овози» газетасининг бу ташаббуси биз ёзувчилар учун ҳам ибрат эканлигини кўнглимдан ўтказиб, ҳаяжонланиб турибман. Бу ёққа келаётиб Ғузор туманидаги «Тоҳир ва Зуҳро» номи билан аталаётган «Севишганлар хиёбони»ни зиёрат қилдик. У Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бунёд этилган эди. Ҳар қандай эзгулик муҳаббатдан туғилади, дейдилар. Газета жамоасининг нияти ҳам шундай. Яна бу юртда меҳмонманми ё мезбонманми, деб ўйлаб турибман. Ахир шоир ўз юртида меҳмон бўлмайди-ку! Азиз фарзандларимиз, сизлар улуғ зотлар ишининг давомчиларисиз. Биз турган шу жойларда Алпомиш бобомиз от сурган. Шу юртнинг бешигида улуғ зотлар улғайган. Сизларнинг орангиздан ҳам юрт фахрланадиган инсонлар етишиб чиқади. Қашқадарё катта тараққиёт йўлига чиқиб олди. Унинг ҳар бир куни бири-биридан гўзал, мазмунли бўлишига ишончим комил.

Энди азизларим, мен сизларга янги китобимга кирган шеърларимдан ўқиб бераман:

Дедилар: — Жаҳонга буюк
юртбоши,
Парвоз айлаганди қайси
маъводан.
Жавоб бердиларки: —
Ҳурлик қуёши
Балқканди даставвал
Қашқадарёдан.
Даставвал, даставвал
Қашқадарёдан!..

Абдулла Орипов яқинда нашрдан чиққан «Шоир юраги» шеърий тўпламидан юз донасини ўқувчиларга тақдим этди.

Эл ўз шоирларини ардоқлайди. Шоир-бахшилар юрти Деҳқонободда бу туйғу ниҳоятда куч-

ли. 9-синф ўқувчиси Дилфуза Чориева сўзга чиқиб, журналист бўлиш орзусини изҳор этар экан, ҳаяжон ила ўзи ёзган шеърни ўқиб берди:

Бағрингда яйрасин
ўғил-қизларинг,
Озод, ҳур диёрим
Ўзбекистоним.
Ватан байроғини
кўкка кўтарар,
Жасур фарзандларинг
Ўзбекистоним.

Кўкда қуёшдайин
чарақла юртим,
Нурларинг сўнмасин
Ўзбекистоним.
Тинчлик қушиғини
куйлайди миллат,
Озод овозимиз
Ўзбекистоним.

Ҳумо қуши қўнган
бошимиз узра,
Бахт, иқбол муборак
Ўзбекистоним.
Ёруғ манзилларга
тикилган кўзлар,
Йўлбошлар Юртбошинг
Ўзбекистоним.

Газетамизнинг бош муҳаррири Сафар Остонов ўз сўзида шундай деди: — Биз Қашқадарёдаги бирорта мактабни оталиққа олиш ниятимиз борлигини айтганимизда вилоят ҳокими бизни қўллаб-қувватлади. Жуда яхши иш бўларди, деди у. Фақат узоқ қишлоқдаги мактаблардан бирини тавсия қиламан. Вилоят ҳокими айнан сизларнинг мактабингизни таклиф этди. Биз мамлакатимизнинг узоқ ҳудудидаги мактаб билан дўстона алоқа ўрнатганимиздан хурсандмиз.

У мактабни оталиққа олишдан кўзланган мақсад ҳақида гапирар экан, бундан буён бу ерда газета ижодкорлари, шоир ва ёзувчилар, таниқли спортчилар билан учрашувлар анъана бўлиб қолиши ҳақида гапирди.

Шунингдек, мактаб моддий-техника базасини яхшилаш, мактаб кутубхонасини янги китоблар билан таъминлаш ишлари давом эттирилишини билдирди.

Мактаб директори Эшонқул Янгибоев ҳозир 209 ўқувчи таълим олаётгани, янги 150 ўринли бино қурилиши мўлжалланаётганини гапириб берди. Спортчи ёшлар билан суҳбатлашдик. Ботир Раҳматов ва Азамат Кўчаров моҳир футболчи бўлишни орзу қилишаркан. Узоқ йиллар туманга ва «Қўнғирот» ширкатига раҳбарлик қилган меҳнат фахрийси Тожи ака Холтўраев қўлига дўмбирасини олиб, жўшиб сўз айтди:

— Бугун нафақат мактаб учун, балки ҳаммамиз учун унутилмас воқеа юз берди. Шу пайтгача қишлоғимизга вилоят раҳбарларидан бирортаси келганини эслаёлмайман. Абдулла Ориповдек шоирнинг ташрифи, вилоят ҳокимининг келиши биз учун катта воқеа... Бу тадбир ёшларимиз кўнглини тоғдек кўтарди. Биз қарияларни айтмайсизми, тўғриси, мен ўзим ҳам қаттиқ ҳаяжондаман.

Оқсоқолнинг бармоқлари урилган торлардан ажиб бир оҳанг тарала бошлади. Бу куй шу кичик сайхонликда қарор топган қишлоқ, донга тўлган бошоқлари чайқалиб турган буғдойзорлар узра бўйларди. Олқишлар остида Абдулла Орипов яна бир шеър ўқиди:

Ўзбекистон — ягона Ватан
учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман
учун яшайлик.

Юнус УЗОҚОВ,
Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Деҳқонобод туманидаги 71-мактаб

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ОТАЛИҒИДА

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий юксалишида муҳим омиллардан бири. Бу борада қабул қилинаётган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тадбиркорларга имкониятлар эшигини очиб, шарт-шароитлар яратмоқда.

Лекин, баъзи жойларда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожига тўсиқ қўйиш ва уларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳолатлари содир этилмоқда. Айниқса, айрим ҳокимлик вакиллари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувлар бўлаётганини афсус билан таъкидламоқ жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси катта прокурори Чингиз ЕСЕРГАПОВ билан суҳбат шу ҳақда бўлди.

— Юз бераётган қонунбузилишлар асосан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга ер майдонларини ажратиш ва кредит маблағлари билан таъминлаш ҳамда маҳсулот етиштириш ва сотиш юзасидан тузилган шартномавий муносабатларнинг бажарилишига доир масалаларда учрамоқда. Текширувлар чоғида айрим ҳокимлар томонидан хусусий мулк эгаларини, тадбиркорларни сиқувга олиш, уларнинг фаолиятларини эркин амалга оширишларига турли йўллар билан тўсқинлик қилиш ҳолатлари аниқланди.

Натижада ҳокимликларнинг ноқонуний 1005 та қарор ва фармойишларига туманлардаги прокурорлар томонидан протестлар киритилди. Шундан 107 та ҳолатда тадбиркорларнинг 211 миллион сўмдан зиёд маблағларини қурилиш ва хайрия, ободонлаштириш каби турли тадбирлар баҳонаси билан қонунга хилоф равишда олиб қўйилишига прокурорининг тезкор ҳаракати туфайли келтирилган протестга асосан мазкур фармойиш ижрога қаратилмасдан бекор қилинган ва тадбиркорлар маблағларининг қонунсиз сарфланиши олди олинган.

Худди шундай ноқонуний аралашувлар оқибатида ўзбошимчалик билан бошқа мақсадларга жалб қилинган маблағларнинг 10 миллион сўми прокуратура органлари ташаббуси билан ҳокимликлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ихтиёрий қайтарилиши таъминланди.

— **Тахririятимизга мурожаат қилаётган айрим фермерлар қонуний ҳақ-ҳуқуқ**ни ҳам қўшиб қўйсак бўлади.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ҳокимининг «Ариқ ошган» фермер хўжалигига қарашли 12,5 гектар ерни ширкат хўжалигига қайтариш тўғрисидаги ноқонуний қарори ҳам прокурор протестига асосан бекор қилиниб, фермер хўжалигининг бузилган ҳуқуқи тикланганлигини айтишимиз мумкин.

Ажабланарли томони, мазкур туман ҳокимининг худди шундай мазмундаги 3 та қарори билан фермерлар манфаатига путур етказилган. Улардан олиб қўйилган жами 36 гектарга яқин ер майдонлари ҳам прокурор протестларига асосан фермерларга қайтарилган.

Тадбиркор манфаати

- **Ер ажратиш учун қилинган таъмагирлик оқибати.**
- **Ўзбошимчалик билан қабул қилинган қарорлар жафоси.**
- **Кредит беришнинг «шапкаси».**

Бундай ўзбошимчаликларга Фарғона, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги туманларда кўпроқ йўл қўйилган.

Термиз тумани ҳокимининг 22-Ф-сонли фармойишига кўра Наврўз байрамини ўтказиш учун тумандаги 18 та корхона раҳбарларининг розилиги олинмасдан, жами 3,1 миллион сўм ҳомийлик ёрдами сифатида ўтказилиши талаб қилинган. Туман **чекланаётганидан арз қилишмоқда. Улар режадан ортиқча маҳсулотларни ҳам мажбуран олиб қўйилаётганлиги ёки маҳсулотлари пулини йиллаб ололмаётганликлари ҳақида шикоят қилишади.**

— Тўғрисини айтсак, бундай ҳолатлар маҳаллий раҳбарларнинг амалпарастлиги, янгича иш олиб боришни билмаслигидан пайдо бўлмоқда. Сиз айтган нарсага ерни қонунсиз олиб қўйиш-чек қўйилди.

Бундан ташқари, деҳқон ва фермер хўжалигига ер ажратиб беришда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, таъмагирлик қилиш ҳолатлари ҳам мавжудлиги ачинарлидир. Ана шундай касалликка «чалинган» Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ҳокимининг ўринбосари Бузруков тадбиркор Маҳмудовга 30 гектар ер ажратиш учун ундан 500 минг сўм ва 1000 АҚШ доллари миқдорида пора олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Хуллас, ўтган йил давомида прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида 3 минг гектардан зиёд ер майдонлари деҳқон ва фермер хўжаликларига олиб берилиши таъминланди.

Аскарлар ҳузурида

ХДП ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатлар қонун яратувчилик ишларида бевосита иштирок этиб, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Шу билан бирга янги қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини фуқароларга тушунтириш, аҳолини, хусусан ёшларни уларга риоя этиш руҳида тарбиялашга ҳам яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Ўзбекистон ХДПнинг парламентдаги фракцияси аъзоси, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машкура Сафаеванинг бу борадаги фаолияти кўп жиҳатдан ибратлидир. Чунки, у нафақат ўзи сайланган 228-Нишон сайлов округидаги сайловчилар ҳузурида тез-тез бўлиб, ўзининг ишлари тўғрисида ҳисобот бериб туради, балки Қашқадарё ва бошқа вилоятларнинг шаҳару қишлоқларида ҳам аҳоли турли табақаси вакиллари билан учрашиб, мамлакатимиз парламентининг фаолияти, янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати ҳамда амалий ишлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Яқинда М. Сафаева Талимаржон шаҳарчасида жойлашган ҳарбий қисмга ташриф буюрди. Депутат Ватан ҳимоячиларининг ҳаёти ва шарт-шароитлари билан танишди, бу ерда хизмат қилаётган аскарлар, сержант ва офицерлар билан мулоқотда бўлди. Тўпланганлар Олий Мажлис қўмитаси раисининг мамлакатимизда бошланган парламент ислоҳоти, республика Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш ўзанларидаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларга оид ҳикоясини тинглаб, ўзларининг кўплаб қизиқтирган саволларига жавоб олдилар. Самимий руҳда ўтган учрашув якунида ҳарбий қисмга турли дори-дармонлар ва спорт анжомлари топширилди.

(Ўз мухбиримиз.)

Сессия ҳужжатларини ўрганишга бағишланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгашида Олий Мажлиснинг XI сессияси ҳужжатларини ўрганишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис депутати Александр Матвеев, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши котиби Виктор Медведев, Сирғали туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Учрашувда ХДП Сирғали туман кенгаши биринчи котиби Лола Исматова Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлашда бошланғич партия ташкилотларининг иштироки, Олий Мажлис депутати Александр Матвеев эса ушбу сессияда қабул қилинган қонунларнинг моҳияти хусусида сўз юритдилар ва йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

Ноёб асар АҚШда

Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида «Қадимий шаҳарлар санъати» кўргазмаси ташкил этилди.

Мазкур кўргазмага Франция, Германия, Греция, Япония, Россия, Швейцария, Буюк Британия, АҚШ, Ўзбекистон сингари дунёнинг 17 мамлакатидан келтирилган музей экспонатлари қўйилган.

Кўргазмадан Месопотамия ва Инда воҳасида дунё цивилизациясининг илк ривожланиш босқичларини акс эттирувчи эрамиздан аввалги уч минг йиллик санъат намуналари жой олган.

Ташкилотчилар илтимосига биноан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи ноёб экспонат билан қатнашмоқда. Бу таналари ўралиб бир-бирига қараб турган икки чўтир илонни акс эттирувчи тумордир.

Ушбу қадимий топилма эрамиздан аввал икки мингинчи йилда ясалган бўлиб, ўша даврда Сирдарё сув ҳавзаси атрофида мавжуд бўлган цивилизациянинг юқори савиясидан ҳамда Ўрта Осиё ва Ўрта ер денгизи оралиғидаги карвон йўллари ўзаро маданий алмашувга фаол кўмак берганидан далолат беради.

Мазкур тумор археологлар томонидан 1895 йилда Фарғонанинг Сўх қишлоғи яқинида топилган.

Баҳодир МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА

Ҳарбий хизмат — шарафли бурч

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталар экан, аҳолига ҳарбий хизматга қонунчилик асосида киритилган янгиликларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини таъкидлаб ўтди.

Менинг ўғлим лицейда ўқийди, деярли армияга чақириқ ёшида. Ушбу янгилик бошқа ота-оналар сингари мени ҳам жуда қизиқтирди. Ўйлашимча, энди бошқа давлатлардаги кўпчилик чақириқ ёшидаги йигитларнинг ўзбекистонлик тенгқурларига ҳаваси келиши мумкин. Негаки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ва уни кечиктириш ҳамда озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Куролли Кучлар сафига кейинги муддатга чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервига (СЧР) киритилиши айтилган.

Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобрақамига энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул тўлаганингиздан кейин, фарзандингиз сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резерви ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар кўринишида ташкил этилади. Энг асосийси, эслатиб ўтилган бадалларни бир йил давомида олдиндан ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин.

Сиз тўлаган ушбу маблағлар давлат ғазнасига эмас, балки ўқув лагерида ҳарбий йиғин пайтида ўғлингизни боқиш, транспорт сарф-харажатлари, керакли анжомлар ва бошқа нарсалар сотиб олишга ишлатилади.

Сафарбарлик чақируви резерви хизматига кириш тартиби эса оддий. Бу борада ҳарбий хизматга чақирилувчи, унинг молиявий аҳволини кафолатловчи томон ва Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўйича туман (шаҳар) бўлими ўртасида шартнома тузилади. Шартномага кўра, ҳарбий хизматга чақирилувчи шахс ва давлат тенг ҳуқуқли шерикка айланади. Ҳар бир томонга аниқ мажбуриятлар юкланган. Улар ўртасидаги ҳар қандай баҳсли ҳолат судда ҳал этилади. Ҳарбий хизматга чақирилувчини нафақат унинг ота-онаси ёки бошқа яқин қариндошлари, балки юридик шахслар — турли корхоналар ва хусусий фирмалар кафилликка олиши мумкин.

Бир йил тугаб, бадал тўлиқ тўланганидан сўнг сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахсга ҳарбий гувоҳнома берилади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдоши каби барча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахс тегишли ҳарбий-ўқув мутахассислигига эга бўлса, Куролли Кучлар сафига шартнома бўйича хизматга кириши, олий ҳарбий ўқув юртларида ўқиши, солиқ, божхона, бошқа органларда ишлаши, ҳарбийлашган тузилмалар, ҳар қандай муассасалар, ташкилотларда хизмат қилиши, хизмат вазифаси билан чет элга бориши мумкин.

Ушбу қонунга мувофиқ шартнома тузилганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилган шахс ишлаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ота-онасини боқиши, маълумотини ошириши мумкин.

Бу борада шуни эслатиб ўтиш жоизки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилингунига қадар ўз вақтида ҳарбий хизматга чақирилмаган 27 ёшгача бўлган шахс доимий расмиятчилик жараёнларидан ўтиши керак эди. Сафарбарлик чақируви резервида эса бундай оворагарчиликлар бўлмайди. Белгиланган бадал тўланганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилувчи мудофаа ишлари бўлимига бир ойлик йиғинга ёки фавқулодда ҳолатларда чақирилади, холос.

Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган шахс 27 ёшигача сафарбарлик чақируви резерви сафида бўлади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматдан озод этилади. 27 ёшга етган ва сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган йигитлар Куролли Кучлар резервига киритилади.

Совет армиясидаги хизматни бир эслаб кўринг. Ўша пайтларда ҳарбий хизматга қанча йигит керак бўлса, шунча етказиб бериларди. Бироқ бунинг оқибати ўзингизга яхши аён. Ўшанда Сибир ҳарбий округида мен сухбатлашган аскар йигитлар орасида қулоғи оғир, кўзи хира ногиронлар ҳам бор эди. Улар ҳарбий хизматга «маҳаллий партия амалдорлари болаларининг» ўрнига чақирилган эди. Энди эса йигитлар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинади, бунинг учун улардан ҳам ақлан, ҳам жисмонан етуклари танлаб олинади.

Кўпчилик ота-оналар ва ёшларни «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги янги қабул қилинган Қонундаги айрим жиҳатлар ҳам қизиқтириши мумкин. Ушбу қонун матбуотда эълон қилинади. Фуқароларда резерв тоифалари, улар нимага мўлжалланаётгани, ҳарбий тайёргарлик қандай ўтиши, Куролли Кучларнинг ҳарбий қўшинлари, қисмлари ва бўлинмалари сафи қандай тўлдирилиши ҳақида маълумот олиш имкони пайдо бўлади.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда кўп нарсалар ўзгаряпти, шу жумладан Ватанга хизмат қилиш ҳам йигитларимиз учун шарафли бурчга айланиб бораётир. Ўғлонларимиз ўз она-тупроғимизда хизмат қилмоқда. Энди улар ўз йигитлик бурчини адо этиш учун узоқ ва совуқ Сибир ўлкасига бормайди. Ота-оналарнинг ҳам кўнгли тинч. Улар фарзандлари ҳарбий хизматга чақирилганда мудофаа ишлари органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилади. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаол иштирок этмоқда.

Энди ҳар бир ўсмир йигитлик бурчини ўташни сабрсизлик билан кутади ва буни ўзига шараф деб билади. Зеро, Куролли Кучларда бўлаётган бугунги ўзгаришлар мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлиги, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни таъминлашга қаратилган.

Азизахон ТЎЙЧИБОЕВА,
ЎзА мухбири

● ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Сарҳадларимиз дахлсизлиги учун

Қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида рўй берган воқеалар барчани яна бир карра хушёрликка чорлади. «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» шиори остида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар қамрови янада кенгайди.

Мамлакатимиз рахбарининг «Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият, муайян вазифалар юклади. Негаки, туманимиз 47,3 километр масофада Қирғизистон билан туташган. Фармойишдан сўнг алоҳида тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, шу асосда кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Асосий эътибор аҳоли орасидаги тарғибот-ташвиқотга қаратилган. Чегарада жойлашган Қорасув, Жар, Обод, Олмазор, Баҳористон каби жами 11 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда учрашув-мулоқотлар ташкил этилиб, бугунги ижтимоий вазият, халқимиз тинчлик-осойишталиги йўлида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида атрофлича тушунча берилди. Ҳамюртларимиз ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур йўналишда юритаётган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда огоҳлик, хушёр бўлиб яшаш, тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт гарови эканлигини ўз фикр-мулоҳазаларида баён этмоқдалар.

Бундан ташқари, туманимиз чегара ҳудуди бўлганлиги боис ғайриоддий зотилжам — SARS касаллигининг олдини олиш масаласи ҳам диққат марказимизда турибди. 2-сонли Косонсой божхона пости санитария-карантин пункти ва 2-таянч пунктлари шу кун талаби даражасида зарур дори-дармонлар, махсус кийимлар, бошқа воситалар билан таъминланган бўлиб, алоҳида изолятор ажратилган. Ўзбекистон ҳудудига кираётган ҳар бир фуқаро врач-инфекционист ва врач-эпидемиолог назоратидан ўтказиляпти. Транспорт воситалари ҳам мунтазам дезинфекция қилинмоқда. Қолаверса, чегара ҳудудларида фаолият юритаётган 50 нафар посбон, 7 та профилактика инспектори, 5 та отлиқ ва 2 та автопатрул, 15 та чегара-назорат пости ходимлари зиммасидаги масъулият ҳам оширилди.

Тинчлик-омонлик, энг аввало, ҳар кимнинг ўзига, хушёрлигига боғлиқ. Чунки эҳтиёткор ва сергак бўлсаккина, асло панд еб қолмаймиз.

Рустамжон УММАТАЛИЕВ,
Косонсой тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси.

БМТнинг янги резолюцияси

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ масаласи бўйича янги резолюция қабул қилди. АҚШ, Буюк Британия ва Испания унинг муаллифидир. Резолюция лойиҳасини Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзосидан 14 таси қўллаб-қувватлади. Фақат Сурия вакилларигина бу жараёнда қатнашмади.

Мазкур ҳужжат уч бора қайта ишланди. Унга кўра, Ироқда қонуний ҳукумат таркиб топиб, шакллангунга қадар мамлакатни бошқариш ваколати Вашингтон билан Лондонга берилади. Бундан ташқари Ироққа нисбатан 1990 йилдан бери қўлланиб келинаётган иқтисодий жазо чоралари ҳам бекор қилинади ва Ироқни қайта қуриш ишларида БМТ ўрнини белгилаб беради. Шунингдек, мамлакатдаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Президентимизнинг куни кеча Наманган вилоятига ташрифи чоғида Чортоқдаги сержантлар мактаби курсантлари билан учрашувда алоҳида таъкидлаганларидек, бирор-бир кун йўқки — дунёнинг бир нуқтасида террорчилик портлаши содир этилмаган бўлсин, бирор-бир кун йўқки — одам ўлмаган бўлсин.

Дарҳақиқат, дунё қалқиб турибди. Инсоният онги-тафаккури қанчалик ривожланган бўлмасин, яхши билан ёмоннинг фарқини қанчалик чуқур англамасин, барибир уруш жиловини тўхтатиб қолишга ожизлик қилмоқда. Дунёда яна уруш олови чақнади. Бу гал узоқ Индонезияда аланга олди.

Гап шундаки, Индонезиянинг Ачех музофотидаги «Озод Ачех» ҳаракати аъзолари салкам 30 йилдан бери мустақиллик учун кураш олиб бормоқдалар. Бу курашлар натижасида 10 мингга яқин одам қурбон бўлди. Ҳукумат ва қўзғолончилар ўртасидаги қарама-қаршиликларга барҳам бериш, муаммони тинч йўл билан ҳал этиш учун аввалги якшанба куни Токиода икки томон етакчилари музокара столига йиғилган эдилар. Бироқ ачинарлиси шуки, икки томон ҳам бир тўхтамга кела олмади. Яъни, расмий Жакарта маъмурияти Ачех музофотига автономия мақоми берилишини таклиф этди. Аммо «Озод Ачех» ҳаракати фаоллари эса музофотнинг тўлиқ мустақиллигини талаб қилдилар. Натижада музокара боши берк кўчага кириб қолди. Муаммони тинч йўл билан ҳал этишга икки томон ҳам ожизлик қилди. Япония, Европа Иттифоқи ва Жаҳон банки (Токио музокараларининг ташаббускорлари ва ҳомийлари) яна қайтадан музокара столига ўтириб, дипломатик ёндашув орқали муаммони ҳал этишга чақирган бўлишларига қарамай, бу борада бирон-бир силжишга эриша олмадилар.

Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, музокаралар натижасиз якунланиши биланоқ, Индонезия ҳукумати қўзғолончиларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Мамлакат Президенти Мегавати Сукарнопутри музофотда фавқулодда ҳолат жорий этди ва комплекс ҳарбий операция ўтказиш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. Индонезия полицияси «Озод Ачех» ҳаракатининг беш етакчисини ўша заҳоти қўлга олди.

Ваҳоланки, дейилади, Foxnews хабарида, улар қўзғолончиларнинг ҳарбийлашган таркибига аъзо эмас, балки дипломатик ваколатлар бўйича иш юритувчи шахслар эди. Жумладан, улар декабрь ойида Женевада ўтказилган тинчлик музокараларида «Озод Ачех» ҳаракати томонидан вакил бўлиб иштирок этган эди.

Сиёсий шарҳловчиларнинг фикрича, энди Индонезияда фавқулодда ҳолат ками билан ярим йил давом этади. Бу даврда нафақат ўз мустақиллиги учун курашаётган Ачех музофоти қўзғолонини ҳарбий йўл билан даф қилиш режага киритилган, балки музофотнинг тинч аҳолисига инсонпарварлик ва иқтисодий ёрдам бериш кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам ҳозир қўзғолончилар назоратидаги ҳудудларда кенг қамровли ҳарбий ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Банда-Ачех шаҳридаги сепаратчилар лагери ракеталардан бомбардимон қилинди. CNN хабарига кўра, ҳарбий ҳаракатларда ҳукуматнинг бир қанча жанговар самолётлари ва ҳарбий денгиз кучларининг 15 дан ортиқ кемаси иштирок этмоқда. 46,7 минг зобит ва аскар ушбу ҳарбий ҳаракатларга жалб этилган. Улар тахминан 10 минг нафар қўзғолончига қарши кураш олиб борадилар.

Ҳарбий ҳаракатлар учун Индонезия ҳукумати давлат бюджетидан 1,7 триллион рупий (200 миллион доллар атрофида) маблағ ажратди. Молия вазири Боединонинг айтишича, унинг 1,2 триллиони мудофаа вазирлигига, 0,5 триллиони эса Индонезия полициясига берилади. Умуман, кузатувчиларнинг фикрича, ҳарбий операция учун 120 дан 800 миллион долларгача маблағ кетиши мумкин экан.

Ҳукумат юритаётган сиёсатга норозилик билдириб, сепаратчилар Ачехнинг шарқий туманларидаги 65 та мактабни ёқиб юбордилар. Маҳаллий ҳокимиятнинг айтишича, умуман ҳаммаси бўлиб, музофотда 80 та мактаб яроқсиз ҳолга келган.

The Jakarta Post агентлиги маълумотига кўра, бу йил минглаб ўқувчилар дарсларини давом эттира олмайди ва битириш имтиҳонларини ҳам топширолмайдилар. Ҳарбий штаб вакили подполковник Аҳмад Янининг айтишича, ҳукумат томонидан қўзғолончиларга қарши ҳарбий операция бошлаш ҳақидаги буйруқ эълон қилингач, мактабларга ўт қўйилган.

Индонезия ҳарбий қўмондонлиги вакили Фирдаус Комарно Банда-Ачехга ташланган 500 га яқин десантчи сепаратчиларнинг асосий кучларини тез кунда яксон этади, дея таъкидламоқда.

Токиода ўтказилган тинчлик музокаралари ҳеч бир натижа бермаганидан жаҳон жамоатчилиги афсусланмоқда. «Тинчликка эришув борасида яратилган қулай имкониятдан Индонезия ҳукумати ҳам, «Озод Ачех» ҳаракати етакчилари ҳам фойдалана олмаганликларидан биз қаттиқ ташвишдамиз. Ачех муаммоси тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдоримиз», дейилади АҚШ давлат департаменти баёнотида.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Индонезия ҳукумати ва сепаратчилар ўртасидаги қарама-қаршилик салкам 30 йиллик тарихга эга. 1976 йили сепаратчилар етакчиси Тенгк Ҳасан ди Тиро томонидан Ачех мустақиллиги учун кураш бошланган ва ўшандан бери бу қарама-қарши кучлар ўртасида ҳарбий ҳаракатлар тўхтамаётир. Айниқса, 80-йилларда ҳукумат қаршилиги жуда кучайган эди.

Айрим сиёсатдонларнинг гапларига қараганда, расмий Жакарта учун асосий мақсад мамлакат бутунлигини сақлаб қолиш бўлса-да, Ачехдан кўрадиган иқтисодий манфаат ҳам чакки эмас. Гап шундаки, Ачех табиий газ заҳирасига бой ўлка.

Нима бўлгандаям, Ачех муаммоси тинч йўл билан ҳал этилишини бугун жаҳон жамоатчилиги хоҳламоқда.

Алимқул СУЛТОН

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Индонезияда уруш алангаси

Финляндия кўчаларида

● «ПИЛЛА-2003»

Мамлакатда биринчи

БУХОРО. (ЎзА мухбири Илҳом Сафар). Вилоят пиллакорлари қабул пунктларига 1980 тоннадан зиёд сифатли хомашё топшириб, йиллик шартнома-режасини мамлакатда биринчи бўлиб уддалади. Олот, Ромитан, Қоракўл, Ғиждувон, Бухоро, Вобкент, Когон туманларида ҳар қути ипак қуртидан мўлжалдагидан анча зиёд ҳосил олишга эришилди.

Сифатли пилла етиштириш учун кўпроқ хориж уруғига эътибор қаратилди. Жорий йилда 26 минг звенога 40 минг қути Хитой уруғи ва 2900 қути маҳаллий уруғ тарқатилди.

— Етиштирилган пиллани қайта ишлашда муаммо бўлмайди, — деди Бухоро вилоят «Пилла» акциядорлик жамиятлари бирлашмаси раиси Зокир Каромов. — «Хуашен-Бухоро СоЛТД» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти, вилоятдаги бир қанча кичик корхоналар ҳозирданоқ янги ҳосилга харидор бўлмоқда.

Вилоятда қабул масканларига хомашё топшириш давом этмоқда. Бухоролик пиллакорлар имкониятларини чамалаб чиқиб, умумий хирмонни 2100 тоннага етказишни мўлжалламоқда.

Қонун ҳимоясида

Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларига 1297 тонна минерал ўғит, 121 дона қишлоқ хўжалиги техникаси, 381 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 721 тонна омухта ем, 171 миллион сўмлик кредитларни белгиланган тартибда олишларида ҳуқуқий ёрдам берилди.

— Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтишда сансоларликларга йўл қўяётган бюрократлар ҳамон учрамоқда. Тадбиркорликнинг, умуман иқтисоднинг йўлида ғов бўлаётган бундай ҳолатга қарши Бош прокуратура қандай амалий чоралар кўрмоқда?

— Ҳокимликларга мурожаат этган фуқароларнинг аризалари ҳал этилишининг қонунийлигини ўрганиш жараёнида 452 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган. Айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилган ва тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Масалан, Самарқанд шаҳри Боғишамол тумани ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамидов хизмат хонасида хусусий тадбиркор Ғафаровнинг «Нуробод-Гипс» фирмасини рўйхатдан ўтказиш эвазига 40 минг сўм пора олган вақтида ушланди ва суд ҳукми билан жазога тортилди.

Айрим туманларда тадбиркорларнинг самарали фаолият кўрсатишларига кўмак бериш ўрнига, улар фаолиятини чеклаш ҳамда асоссиз тугатиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, Бухоро тумани ҳокими Н.Пўлатовнинг тумандаги 40 та, Қашқадарё вилояти Баҳористон тумани ҳокими Астанов 19 та кичик ва ўрта бизнес субъектларини тугатиш тўғрисида ноқонуний қарорлар қабул қилганликлари аниқланди.

Шу каби қонунбузилишлар бошқа вилоятларда ҳам аниқланиб, прокурорларнинг протестлари билан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ҳокими Мамажанов эса тадбиркор Абдураҳманов манфаатларини очиқдан-очиқ поймол қилади. Унинг хусусий корхонасига қарашли ошхона ва новвойхонани буздириб, 3,4 миллион сўм миқдорда зарар етказган. Шунингдек, ҳокимнинг ўзбошимчалиги билан туман халқ таълими бўлими ходимлари ва ўқитувчиларнинг 1,3 миллион сўмлик иш ҳақларини теннис кортини таъмирлаш ишларига сарфлаётганлигига нима дейиш мумкин? Бунинг учун ҳоким жаноблари ЖК 205-моддаси ва бошқа моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилди.

— Ҳокимлик ва айрим назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини ноқонуний текшириш ҳолатлари ҳақида кўп гапирилади. Бунга чек қўйиш учун бир қанча ишлар қилинди. Прокуратура органлари бу борада амалга ошираётган ишлар ҳақида гапирсангиз.

— Андижон вилояти Бўз тумани ҳокими Урунбоевнинг фармойишига асосан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тадбиркорларни рўйхатга олиш бўлими, фермер хўжаликлари уюшмаси, ер ресурслари хизмати ҳамда бошқа назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан «Истиқбол» фермер хўжалигида ҳудудий комиссиянинг тегишли рухсатисиз текшириш ўтказилишига йўл қўйилган. Мазкур ҳолат бўйича туман ҳокимлигига прокуратура томонидан тақдимнома киритилиб, 4 нафар мансабдор ва бошқа масъул шахслар интизомий жавобгарликка тортилган.

Бу каби нохуш ҳолатларни Тошкент шаҳри, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилояти назорат қилувчи органлари фаолиятларида ҳам учратиш мумкин. Шу ўринда айрим банкларнинг раҳбар ходимлари ва бошқа масъул мансабдор шахслар хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиб, тадбиркорлар манфаатларига жиддий зарар етказишга йўл қўйганликларини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Розиқов қандай жиноят содир этган денг? У Ромитон туманидаги «Отабек» фермер хўжалигига 5 миллион сўм қисқа муддатли кредит бериш эвазига фермер хўжалиги бошлиғи Муқимовдан кредитнинг 10 фоизи миқдорида — 500 минг сўм талаб қилган. У фермердан 400 минг сўмни пора тариқасида олган вақтида жиноят устида қўлга олинди ва суд томонидан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Худди шу каби Навоий вилояти «Замин» банк кредит бўлими бошлиғи тадбиркор Ҳаитовга 3 миллион сўм кредит бериш эвазига 300 минг сўм пора олган вақтида ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Самарқанд вилояти «Бизнес-фонд» бошқармаси бошлиғи Собиров мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, Гаппаровнинг «Мансуба» фермер хўжалигига 1,2 миллион сўм имтиёзли кредит бериш эвазига 100 минг сўм пора олган вақтида ушланган ва суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бинолардан фойдаланиш департаментининг Яккасарой туман бўлими бошлиғи Очилов тадбиркор Ғусевдан «Ташсельмаш» ҳудудидаги дўконларни ижарага бериш ҳисобига 7200 АҚШ доллари миқдорида пора олган вақтида ушланган ва жиноий жавобгарликка тортилган.

— Айрим ҳолларда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот топшириш шартномавий режалари бажарилган бўлса-да, уларга давлат томонидан ажратилган пул маблағлари қонунда белгиланган тартибда берилмасдан қолиш ҳолатлари мавжуд... Бунга сабаб нима?

— Жиззах вилояти Зомин тумани дон қабул қилиш корхонаси билан «Гулойим» фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартнома бўйича фермер хўжалиги томонидан 2002 йилда тайёрлов корхонасига 1,6 миллион сўмлик дон маҳсулотлари етказиб берилган бўлса-да, фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказиб берилмаган. Фермерга етказилган 1,6 миллион сўмлик зарарни ундириш бўйича прокурорнинг даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилган.

Прокуратура органлари томонидан ўтган йилда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган ана шундай 683 та текширишлар ўтказди. Натижаларига кўра **5 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 2 мингдан зиёд мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.**

Қонун бузилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 900 дан зиёд тақдимнома ва бошқа таъсир чоралари қўлланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. **Кўпол қонун бузиш ҳолатлари юзасидан эса 129 та жиноят иши қўзғатилди. Етказилган моддий зарарнинг 167 миллион сўми айбдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда тўланди. Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга киритилган 1,2 миллиард сўмлик даъво аризалари бўйича 1,1 миллиард сўми ёки 92 фоизи ундирилди.**

Шу ўринда бир гапни алоҳида айтмоқчиман, Юртбошимиз талаби билан тадбиркорлар қонун ҳимоясига олинган. Биз тадбиркорларга нисбатан бўладиган ҳар қандай қонунсизликка қарши муросасиз курашамиз.

Суҳбатдош:
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИГА

Ҳазрат хожаи жаҳон

РУҲИДАН МУНАВВАР ҒИЖДУВОН

Қадим Бухоронинг кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарларидан бири — Ғиждувон бугун ажиб ифтихор билан яшаяпти. Ўзининг бағрида ўсган, мусулмон дунёсида беқиёс нуфузга эга бўлган тасаввуф илмининг йирик намояндаси, ҳожагон тариқатининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига тараддуд бошлаб юборилган. Бултур ЮНЕСКОнинг бўлиб ўтган XXXI сессиясида ҳазрат юбилейини ўтказиш таклифи халқаро муҳим саналар тақвимига киритилганлиги ҳам катта аҳамият касб этади. 2003 йилда нишонланиши кўзда тутилаётган катта тўйга ҳар бир ғиждувонлик муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Айтишларича, етти мўъжизанинг бири саналган Бухорои Шариф кечқурунлари ўзидан мунаввар нур таратаркан. Ана шу камалаксимон нур уни ҳар қандай офатдан, бало-қазодан муҳофаза қиларкан. Бунинг устига бу табаррук масканда хилқат топган азиз-авлиёлар, зоти шарифлар пок руҳидан ҳам дарак бераркан у. Буюк ипак йўлида жойлашган, узоқ тарихга эга бўлган Ғиждувон ҳам Бухоро каби жаҳонга машҳур бўлиб келган. Тарихий манбаларда бу ўз аксини топган. Кексаларнинг гувоҳлик беришларича, шаҳар катта қўрғондан иборат бўлиб, унда карвонсаройлар, зиёратгоҳлар бисёр бўлган. Атрофидан Қалқон ва Пермаст сувлари оққан. Ҳозир фақатгина Пермаст ариғи сақланган. Эски қўрғонда ўша даврда бунёд этилган ҳаммом, уйлар саноқли қолган. Азим гўжумлар авлоди яшарган.

— Шаҳар номининг топономикаси хилма-хил, — дейди туман ҳокимининг биринчи муовини Шуҳрат Ҳайдаров, — қамишзор довон, ғиштли девор, девлару китоблар макони деб тахмин қилинган. Аммо X асрлардан буён Ғиждувон йирик аҳоли маркази — шаҳар сифатида ёзма адабиётларда қайд этилиб келинади. Биз ана шу ерда туғилган улуғ бобокалонимиз, пиру устоз Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари билан чексиз фахрланамиз, номига муносиб бўлишга интиламиз.

Хўш, Хожа Абдулҳолиқ ким бўлган, у кишидан бизга қандай мерос қолган?

— Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувон даҳасида таваллуд топган, — дейди тарих фанлари номзоди, доцент Нарзулло Йўлдошев. — У кишининг оталари Хожа Абдулжамил Румий Раҳматуллоҳи Алай имом номи билан машҳур бўлганлар. Рум подшоҳлари авлодига мансуб бўлган ул зот ўз замонасининг алломаси — зоҳирий ва ботиний илмларнинг олими ҳисобланган. Ривоят қилинишича, Хизр алайҳиссалом у кишининг тушларига кирадилар ва Абдулхолиқнинг туғилиши, келгусида йирик мутафаккир бўлишини башорат қиладилар.



Дарҳақиқат, Хожа Абдулжамил Румдан карвон билан Бухорои Шарифга йўл олади. Тушида айтилганлар ҳақиқатга айланади. Ғиждувонда нашъу намо топиб, фарзанд кўради, унга Абдулхолиқ деб исм қўяди. Хожа Абдулхолиқ узун йўлли, катта бошли, қамиш қошли, буғдой рангли, гўзал юзли улуғ зот бўлган эканлар. Ул зоти шариф диний оилада тарбия топганлар, тўққиз ёшларида Қуръони каримни ёд олганлар. Ўн ёшларидан дарвешларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этганлар. Илк устозлари — тафсиф илмининг султони Имом Садриддин ҳисобланган. Шундан кейин Хизр алайҳиссалом Абдулхолиқ Ғиждувонийга ҳуфия зикридан таълим берадилар ва фарзандликка қабул қиладилар.

Хожа Абдулхолиқ йигирма икки ёшида Бухорода баланд мақом, бутун шарқ оламида номи машҳур шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унинг муридига айланади. Кўп илм ўрганади. Бутун ҳаёти давомида «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи шайхушшуюк Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз гуфтар Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» каби буюк асарларни яратиб, бизга мерос қолдирган. Хожа Абдулхолиқ устози Хамадонийнинг таълимотини ҳар томонлама бойитади ва амалиётга зикри хуфияни олиб киради, хожагонлик тариқатининг саккиз рашҳа — қонун-қоидасини шакллантириб беради.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Абдулхолиқ Ғиждувоний етмиш олти йил умр кўрадилар. Ана шу давр мобайнида ул буюк зот «сарҳалқаи силсилаи Нақшбандия» деган таърифга сазавор бўлганлар. Зеро, дунёда бугун машҳур бўлган Нақшбандия тариқати хожагонликдан униб ўсган.

— Шўролар даврида табаррук зиёратгоҳ — Абдулхолиқ Ғиждувоний қабрлари топталди. Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса дон бозорига айланди. Чиллахона бузиб ташланди, тошқудуқдан сув ичиш ман қилинди, — дейди биз билан суҳбатда Меҳнат Қаҳрамони, онахон Обида Ҳамроева.

Шаҳарнинг қунботар томонидаги муқаддас зиёратгоҳ ҳар куни гавжум. Жума кунлари эса зиёратчи, намозхонлар сони икки ҳиссага кўпаяди. Катта йўлдан ўнгга бурилиб, мармар йўлакдан одимларкансиз, кўнглингиз енгил тортади. Зоти шариф мақбарасини зиёрат қилиб, Қуръон тиловат этсангиз, руҳингиз покланади. Мадраса олдидаги кўҳна қудуқдан бир пиёла сув ичсангиз танангиздаги дардни унутасиз, Яратганга шукрлар айтасиз. Қайтишингизда ўша узун йўли, катта бошли, қалин қошли, буғдой рангли, гўзал юзли, меҳрибон улуғ зот сизга нималардандир васият қилаётгандек туюлади: «Қуйидаги беш хусусиятга — дарвешликни бойлик деб билмоғон, оддий ўринни фахрий ўрин деб билмағон, илмни нодонлик деб ҳисоблағон, ўзининг пинҳону ошкор ишларини сарҳисоб қила олмайдиғон, охиратни унутғон одамлар ила ўртоқ ва оға-ини бўлмағил!» Ҳа, қанчалик пурмаъно гаплар.

Шаҳар айлангач, туман ҳокими Толиб Қудратовни суҳбатга тортдик.

— Ғиждувоннинг тарихий обидалари, миллий ҳунармандчилиги, ширмой нонию, балиқ сих кабоби довруғи оламга кетган, — дейди фахр билан у. — Бу ерда касов кўкаради, оддий лой мўъжизага айланади. Сабаби пирларнинг дуоси кетган маскан. 240 минг аҳолининг ҳаммаси ҳунарли. Бозоримиз шунинг учун сероб ва арзон. Шаҳримиз Ғиждувоний ҳазратлари юбилейи баҳонасида янада чирой очади. Улуғ юртдошимизга аталган хиёбон 5,5 гектарлик боғ билан уйғунлашади. Бундан ташқари, эски шаҳар кўринишини сақлаб қолган ҳолда 25 гектарли бош лойиҳа асосида қурилиш ишлари олиб борилади. Яна бир йилдан кейин Ғиждувонни таний олмайсиз.

Ҳа, ғиждувонликларнинг асрий орзулари ушалади энди. Улуғ шайхнинг бой таълимоти, одамларни лол қолдирган кароматлари расман тан олинаяпти. ЮНЕСКО қарори боис унинг тарихи чуқур ўрганилади, асарлари кенг китобхон мулкига айланади. Алломаи замон Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний муборак руҳини шод этишга бош бўлаётганлар эса асло кам бўлмайдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тил — дунё кўзгуси



Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўз билимларини тўла намоён этишларига кенг имкониятлар яратиш мақсадида ҳар йили чет тиллари бўйича олимпиада бўлиб ўтади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорликда чет тиллар бўйича кўрик-танлов ўтказди. Танловда талабалар инглиз, француз, немис, испан тиллари бўйича ўз билимларини синаб кўрдилар. ЎзДЖТУ талабалари Юлия Васильева ҳамда Барҳаёт Мирпўлатовлар инглиз ва француз тилидан, Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Юлия Кривенкова немис, Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Дилшод Саиджонов эса испан тили бўйича ғолиб деб топилди.

Шуниси эътиборлики, бу йилдан бошлаб олимпиадада испан тили бўйича ҳам танлов эълон қилиниб, унда 20 жамоа ва 40 дан ортиқ талаба иштирок этди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Нигора ЎРОЛОВА

✧✧✧

Суратда: танлов ғолибларини тақдирлаш маросимидан лавҳа.

«Сағбон-нон» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Сағбон-нон» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади. Мажлис 2003 йил 30 май соат 11.00да Сағбон кўчасидаги жамият биносида бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш эрталаб соат 10.00да бошланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари мажлисининг кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарори ва ушбу қарорни бажариш бўйича турган вазифалар билан жамият акциядорларини таништириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорига асосан:

а) Жамият Кузатув Кенгаши низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

б) Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш;

в) Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорида белгиланган муддатда жамият низом жамғармасини қарорда кўрсатилган миқдорга етказиш масаласи.

ФУТБОЛ

«Нефтчи»нинг мағлубияти

Шанба куни Ўзбекистон кубоги чорак финал баҳсларининг жавоб учрашувлари ўтказилди. Муросасиз ва кескин ўтган ўйинлар голларга бой бўлди.

Бундан икки ҳафта бурун Фарғонада «Нефтчи» футболчилари «Насаф» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқиш имкониятини яхшилаб олганди. Бироқ Қаршида ўтган жавоб учрашувида «Насаф» футболчилари уларнинг имкониятини йўққа чиқарди — 5:0. Учрашувда Вали Келдиев ҳамда Зафар Холмуродовлар «дубл»га эришган бўлса, Дилшод Мавлонов ҳисобни янада йириклаштирди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фарғоналик футболчилар сўнгги ўн беш йил ичида бундай йирик ҳисобда мағлубиятга учрашмаганди.

Наманганда «Навбаҳор» — «Бухоро» жамоалари учрашувида ҳужумчилар бундан-да сермаҳсул ва ҳужумкор ўйин намойиш этишди — 7:0. «Бухоро» жамоаси дарвозасига тўпларни Шуҳрат Мирхолдиршоев (3 та), Улуғбек Мирхолдиршоев (2), Сергей Андреев ҳамда Сергей Есинлар киритди. Дастлабки учрашувда 1:1 ҳисобини қайд этган наманганликлар ярим финалга йўлланма олдилар.

Қолган икки ўйин қуйидагича якунланди: «Машъал» — «Сурхон» — 3:0 (биринчи учрашув — 1:5), «Сўғдиёна» — «Пахтакор» — 1:1(1:3).

Кеча ЎФФда ярим финал учрашувларига қуръа ташланди. 14 июнь ва 1 июль кунлари ўтказиладиган баҳсларда «Сурхон» — «Пахтакор» ҳамда «Навбаҳор» — «Насаф» жамоалари ўйини натижасига кўра 2002-2003 йилги Ўзбекистон кубоги финалчилари аниқланади. Дастлабки учрашувлар биринчи кўрсатилган жамоалар майдонида ўтказилади.

Айсара АБДИЖАМИЛОВА

АВТОСПОРТ

Анъана давом этади

Мамлакатимизда авторалли спорти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Буни «Ралли-спорт» клуби аъзоларининг нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсда ўтаётган мусобақаларда ҳам муносиб натижаларни қўлга киритаётганидан ҳам билиш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон автоспорт ассоциациясининг тақвим бўйича уюштираётган анъанавий турнирлари иқтидорли спортчиларни тарбиялашда жуда қўл келмоқда.

Ўн олти йилдан бери мунтазам ўтказиб келинаётган «Сўғдиёна» авторалли баҳслари бугун нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ давлатларида ҳам маълуму машҳур. Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллигига бағишлаб ўтказилиши кутилаётган «Сўғдиёна — 2003» турнири бу гал ҳам одатдагидек, кузда бўлади. Унгача эса автоспортчиларни олдинда жиддий беллашувлар кутиб турибди.

Яна саноқли кунлардан сўнг ўзига хос катта нуфузга эга «Директор» турнири бошланади. Икки босқичдан иборат бу мусобақада 50 экипаж ғолиблик учун курашади. «Директор»нинг биринчи босқич баҳсларига 1 июнь куни старт берилади. Эътиборлиси, Чимён йўлларида кечадиган қизғин пойгада спортчилар асосан Асакада ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Нексия», «Матиз» автомобилларида ғолиблик учун кураш олиб боради.

Шаҳабутдин ЗАЙНУТДИНОВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

Дўстинг минг бўлса ҳам оз, душманинг бир бўлса ҳам кўп

Дўстлар кўп бўлса, турмуш яхши ўтади ва аксинча дўстсиз кечирилган ҳаёт бемаъни ўтади. Шунинг учун кўпроқ дўст орттиришга даъват этилади. Вар.: «Бахт гарови — дўстлик»; «Дўст қидирмаган киши ўзига душман», «Сен ўзингга дўст қидир, душман — ўчоқ бошида»; «Умрим узоқ бўлсин десанг, душман орттирма»; «Дўст — дўстнинг таянчи»; «Оз қайғуни ош босар, Кўп қайғуни дўст босар»; «Улфат қанча кўп бўлса, Кулфат шунча оз бўлади»; «Йўлдоши кўпнинг — кўлдоши кўп»; «Оши кўпнинг тани семирар, Дўсти кўпнинг жони семирар»; «Ақли кўпни дов олмас, Дўсти кўпни ёв олмас»; «Дўсти йўқнинг душмани устун чиқади»; «Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас».

Дўстни дўстидан тани

Вар.: «Одамнинг қандайлиги — дўстларидан маълум»; «Яхши (одам) йўлдошидан билинади»; «Этнинг усти пўст бўлур, Дўстнинг дўст — дўст бўлур»; «Дўстингнинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман»; «Душманимнинг дўсти — менинг душманим»; «Душманимнинг душмани — менинг дўстим»; «Дўстинг билан дўст бўлганга шодлан, Душманинг билан дўст бўлгандан сақлан»; «Дўстингни ёмонлагандан қоч»; «Ота душмани — дўст бўлмас»; «Ота душманини ўзингга дўст тутма»; «Отаси ёв от бермас»; «Дўсти кўп билан сийлаш, Дўсти оз билан сирлаш». Юқоридаги мақолларда дўст танлашга ниҳоятда эҳтиёт бўлиш, аввал обдон синаб, кейин дўстлашиш зарурлиги уқтирилади.

Республика Кўчмас мулк биржаси аукцион савдоларига таклиф этади! Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 26 июнь, 3, 10, 17 июль кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига «Самарқанд чой қадоқлаш» фабрикасининг қуйидаги мулклари қўйилади:

1. НС-2, 4 м русумли, 1 дона пичоқ чархлаш машинаси.
Бошланғич баҳоси — 609142,0 сўм.
2. ТС-96, Д русумли, 1 дона нақш ўювчи пресс..
Бошланғич баҳоси — 6002307,0 сўм.
3. БР-НЧМ-2 русумли, 1 дона варақ кесувчи машинаси.
Бошланғич баҳоси — 937685,0 сўм.
4. БП-1200 русумли, 1 дона кесувчи қурилма.
Бошланғич баҳоси — 291262,0 сўм.
5. ПОЛ-6 русумли, 1 дона текис нашрловчи машина.
Бошланғич баҳоси — 945807,0 сўм.
6. ДО-53 русумли, 2 дона ўйиб-нашрловчи автомат.
Бошланғич баҳоси — 7709700,0 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркоржаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули объект сотув қийматига қўшилади, савдо ғолиби бўлмаган харидорларга қайтариб берилади.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу асбоб-ускуналарга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: **Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси**

Маълумот учун телефонлар: **136-26-26, 136-28-75.**
Факс: **136-06-17**
www.uzrkmb.com ***Лицензия рақами:*** **000004**

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 23 май куни ўтказилган кимошди савдоларида «UZBAT AO» қўшма корхонасига тегишли Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Магазин-Мавзук кўчаси, 298А-уйда жойлашган, умумий майдони 5678,0 кв.м. бўлган омборхона биноси (қоровулхонаси билан биргаликда) 36 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 27 июнь ва 4, 11 июль кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент оқшоми кўчасида жойлашган сатҳи 0,0128 гектар, бошланғич нархи — 611 840 сўм бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи;

шунингдек аввал танлов савдоларига қўйилиб сотилмаган, Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Якксарой кўчаси, 6-уйда жойлашган, бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 584 АҚШ доллари бўлган 264-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй.

Кимошди савдосига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули қўйидаги ҳисоб рақамига тўланади: «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги **МФО 00425, 20203000000448035001, ИНН 200950435.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Bohxod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 422

11547 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.50
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA